Qabul qilindi: 8-sentabr 2026-yil • Ma’qullandi: 14-sentabr 2026-yil • Nashr qilindi: 15-sentabr 2026-yil

Шафтоли боғларида ун шудринг касаллигининг тарқалиши ва зарари

Азамов Акбарон Ахматхонович

Республика термитларга қарши курашиш илмий ишлаб чиқариш маркази кичик илмий ходим

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий тадқиқот институти мустақил тадқиқотчи



Аннотация. Мақолада 2020–2022 йилларда Наманган вилоятининг Чуст ва Тўрақўрғон туманларида етиштирилаётган шафтоли навларида ун шудринг касаллигининг тарқалиши ва ривожланиш даражаси ўрганилган. Тадқиқотлар давомида Зарғалдоқ, Лола, Ташкентский, Саманта, Гардета ва Мияссар навларининг барг ва меваларида ун шудринг касаллиги билан касалланиш кўрсаткичлари аниқланган.

Калит сўзлар. Шафтоли, нектарин, ун шудринг, касалланиш, касалликнинг ривожланиши, фитопатология, нав чидамлилиги, мева, барг, шафтоли, зарарли касалликлар.

Сўнгги йилларда республикамизда мевачилик тармоғини ривожлантириш, хусусан, шафтоли боғлари майдонларини кенгайтириш динамикаси кузатилмоқда. Бироқ, ушбу тенденция билан бир қаторда, дарахтларнинг турли фитопатогенлар билан зарарланиш даражаси ҳам ортиб бормоқда. Хусусан, шафтоли баргларининг бужмайиши (*Taphrina deformans*), ун шудринг (*Podosphaera pannosa*), монилиоз (*Monilinia* туркуми) ва клястероспориоз (*Clasterosporium carpophilum*) каби хавфли касалликларнинг кенг тарқалиши ҳосилдорлик кўрсаткичларининг пасайишига ва маҳсулот сифатининг ёмонлашувига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу муносабат билар 2020–2022 йилларда шафтоли боғларида ун шудринг касаллиги билан касалланиш ва касалликнинг ривожланиши ўрганилди. Натижалар шуни

кўрсатдики, Наманган вилояти Чуст тумани “Камолиддин–саркор” фермер хўжалигидаги шафтолининг Зарғалдоқ нави барглари ун шудринг касаллиги билан барглар 14,6–16,2% гача касалланган бўлса, мевалари 11,2–13,6% гачани ташкил этди. Касалликнинг ривожланиши баргларда 5,1–6,3% гачани, меваларда 4,4–5,5% гача ривожланди (1 – жадвал).

1–жадвал

Шафтоли боғларида ун шудринг касаллигининг тарқалиши ва зарари
(Наманган вилояти, 2020 – 2022 йй.)

Т/р	Тадқиқот олиб борилган жойлар	майдони, га	шафтоли навлари	ўсимлик аъзолари	2020 йил		2021 йил		2022 йил	
					касалланиш, %	касаллик ривожланиши, %	касалланиш, %	касаллик ривожланиши, %	касалланиш, %	касаллик ривожланиши, %
1.	Чуст тумани, “Камолиддин–саркор” ф/х	3,0	Зарғалдоқ	барг	14,6	5,4	15,4	6,3	16,2	5,1
				мева	12,5	4,4	11,2	4,5	13,6	5,5
			Лола (нектарин)	барг	13,3	3,9	12,6	4,1	14,5	5,2
				мева	14,3	4,7	14,3	4,6	15,5	4,8
2.	Чуст тумани, “Шохидон ризқ–насиба” ф/х	5,0	Ташкентский (нектарин)	барг	26,6	13,4	25,6	18,1	27,2	18,3
				мева	24,3	11,3	26,5	15,3	26,7	15,5
3.	Тўрақўрғон тумани “Gold fresh fruits” МЧЖ	6,0	Саманта	барг	4,6	1,7	4,5	1,1	3,3	2,1
				мева	4,3	1,5	4,1	0,8	3,1	2,0
			Гардета (нектарин)	барг	9,3	3,5	6,1	1,7	10,3	3,2
				мева	10,6	4,1	6,2	1,9	12,0	3,9
4.	Тўрақўрғон тумани, “Тўрағўрғон сохибкорлари” агрофирмаси	4,5	Зарғалдоқ	барг	14,4	5,3	15,1	6,2	16,0	5,4
				мева	2,4	4,5	3,2	5,4	15,1	4,7
			Мияссар (нектарин)	барг	2,3	4,7	2,8	4,1	15,4	5,2
				мева	4,8	5,1	4,2	4,8	15,6	5,1

Шафтолининг Лола нави ун шудринг касаллиги билан касалланиш баргларда 12,6–14,5% ни, меваларда эса 14,3–15,5% гачани ташкил этди. Касаллик ривожланиши баргларда 3,9–5,2% гача меваларда эса 4,7–5,8% гачани ташкил этганлиги аниқланди. Наманган вилояти Чуст тумани “Шохидон ризқ–насиба” фермер хўжалиги шафтоли

боғларида Ташкентский(нектарин) нави ун шудринг касаллигига нисбатан анча чидамсиз бўлиб, энг юқори касаланиш шу навда кузатилди. Барглари 25,6 – 27,2% гача, мевалари 24,3 – 26,7% гача ун шудринг касаллиги билан касалланганлиги аниқланди. Касаллик ривожланиши эса баргларда 13,4 – 18,3% гача ва меваларда 11,3–15,5% бўлганлиги кузатилди.

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани “Gold fresh fruits” МЧЖ шафтоли боғларидаги Саманта нави ун шудринг касаллиги билан касалланиш энг паст кўрсаткични қайд етди.

Барглари 3,3–4,6% гача, мевалари 3,1–4,3% гача касалланганлиги ўрганилди. Касалликнинг ривожланиши эса баргларда 1,1–2,1% гачани, меваларда 0,8–2,0% гача ривожланган. Шафтолининг Гардета нави барглари ун шудринг касаллиги билан 6,1–10,3% гача, мевалари эса 6,2–12,0% гача касалланганлиги аниқланди. Касалликнинг ривожланиши баргларда 1,7–3,5% гачани, меваларда бўлса 1,9–4,0% гачани ташкил этди. Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани “Тўрағўрғон сохибкорлари” агрофирмаси шафтоли боғларида етиштирилаётган шафтолининг Зарғалдоқ нави ун шудринг касаллиги баргларда 14,4–16,0% гача касалланган бўлса, меваларда 12,4% – 15,1% гачани ташкил этганКасалликнинг ривожланиши баргларда 5,3–6,2% гачани, меваларда 4,4–5,4% гачани ташкил этди. Шафтолининг Мияссар (нектарин) нави барглари ун шудринг касаллиги билан 12,3–15,4% гача, мевалари 14,2–15,6% гача касалланганлиги аниқланган, касалликнинг ривожланиши баргларда 4,1–5,2% гача бўлса, меваларда 4,8 – 5,1% гачани ташкил этди.

2020–2022 йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида шафтоли навларининг ун шудринг касаллигига касалланиш даражаси турлича эканлиги аниқланди. Энг юқори касалланиш Ташкентский (нектарин) навида, энг паст кўрсаткич эса Саманта навида қайд этилди. Зарғалдоқ, Мияссар ва Лола навларида касалланиш ўртача даражада бўлди. Олинган натижаларга асосан, шафтоли боғларини барпо этишда навларнинг касалликка чидамлилик хусусиятларини ҳисобга олиш ва ун шудрингга қарши профилактик ҳимоя тадбирларини ўз вақтида амалга

ошириш тавсия этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁЛАР РЎЙХАТИ

1. Карпун, Н.Н. Методические положения по применению препаратов нового поколения в системах защиты персика// Н.Н. Карпун, Э.Б. Янушевская, Е.А. Игнатова, Н.Н. Леонов. – Сочи: ВНИИЦиСК, 2013. – 24 с.

2. Карбалаи Х.Х., Сейед С.Й., Масуми Р., Ганге А., Пираеш Г.Х., Х.Эмами, Хаббаз. Д. Интродукция устойчивых сортов персика к возбудителю мучнистой росы персика (*Podosphaera pannosa* (Wallr.) de Bary) Agrocultural research education & extension organization Том 7, выпуск 1, сентябрь 2018 г. – С 97–106

3. Смольякова В.М., Бердыш Ю.И. и др. Методические указания по фитосанитарному и токсикологическому мониторингу плодовых пород и ягодников. – Краснодар, 1999, – 25 с.

4. Grove G.G. 2008a. Powdery mildew. Pages 12–14 in: Ogawa J.M., Eldon I.Z., Bird G.W. et al. (eds.) Compendium of stone fruit diseases. APS Press, 2nd printing, 2008, – 98 p.

5. Fonseca N.R., Guimarães L.M.S., Pires R.P., Klopfenstein N.B., Alfena A.C. 2017. Eucalypt powdery mildew caused by Podosphaera pannosa in Brazil. Tropical Plant Pathology, 2017, March 17, – P. 1–12. DOI 10.1007/s40858–017–0143–7. Accessed 25.06.2023.